
Энг яхшилар аниқланди

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги “Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги ЎРҚ-595-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 802-сонли қарори билан тасдиқланган “Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти”нинг ижросини таъминлаш ҳамда мақтабгача таълим ташкилотларининг педагогик тажрибаларини оммалаштириш, таълим-тарбия жараёнига илк ва мақтабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйилган Давлат талаблари, “Илк қадам” давлат ўқув дастури асосида янги педагогик технологияларни жорий этиш, мақтабгача таълим тизимида фаолият юритиб келаётган ёш ижодкор, истеъдодли ва ўз ишига сидқидилдан ёндашаётган тарбиячи мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш ҳамда Мақтабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 27 апрелдаги 67-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Риштон тумани мақтабгача таълим бўлими томонидан тумандаги мақтабгача таълим ташкилотлари педогог ходимлари ўртасида “Йилнинг энг яхши тарбиячиси” номли кўрик-танлов ўтказилди. Ўтказилган кўрик-танловда тумандаги билимли, малакали, ижодкор педогоглар иштирок этдилар. Кўрик-танловда 5 та номинация бўйича ғолиблар аниқланди. “Энг яхши ижодкор тарбиячи” номинацияси бўйича 1-ўринни 26-ДМТТ тарбиячиси Мирзахонова Шоира, “Энг яхши методист тарбиячи” номинацияси бўйича 1-ўринни 48-ДМТТ тарбиячиси Хомидова Гавхарой, “Энг яхши ғоя муаллифи” номинацияси бўйича 1-ўринни 19-ДМТТ тарбиячиси Содиқова Маъмура, “Инновацион ва ахборот технологияларни қўллайдиган энг яхши тарбиячи” номинацияси бўйича 1-ўринни 30-ДМТТ тарбиячиси Қодирова Гулноза, “Мохир қўл устаси” номинацияси бўйича 1-ўринни 9-ДМТТ тарбиячиси Расулова Наргизалар эгалладилар ва вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

2021-06-25 22:15:22